

Саудия Арабистони Ислом қонунлари асосида облигациялар чиқаради



13:03 / 16.08.2023 2423

Саудия Арабистони ички бозорни ривожлантириш учун Ислом қонунлари (сукук деб ҳам аталади) асосида миллиардлаб долларлик облигациялар чиқаришни режалаштирмоқда.

Саудия Арабистони 2024-2025 ва 2026 йилларда муддати тугайдиган 9,52 миллиард долларлик мавжуд қарзни қайтариб сотиб олди, дея хабар беради Миллий Қарзни бошқариш маркази (NDMC).

Шариат облигациялари дастури тўртта траншдан иборат бўлиб, уларнинг муддати 2031, 2032, 2033 ва 2038-йилларда тугайди.

Ушбу қарор Миллий қарзни бошқариш марказининг ички бозорни ривожлантириш режасининг бир қисмидир.

Шунингдек, Саудия Арабистони ҳукумати маҳаллий Саудия сукуки эмиссияси дастури доирасида 9,57 миллиард долларлик сукук чиқаришни режалаштирмоқда, деб хабар берди Bloomberg.

Молиявий операция NDMСнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболли давлат молиясини мустаҳкамлаш режасини қўллаб-қувватлайди.

HSBC Saudi Arabia, Al-Rajhi Capital, SNB Capital ва Al-Jazira Capital шартнома учун қўшма етакчи менежерлар этиб тайинланди.

Сукук қимматли қоғозларнинг исломий тамойилларга мос келувчи тури бўлиб, маблағларни жалб этишда ва инвестиция киритишда облигацияларга эквивалент сифатида фойдаланилади. Ғарб олим ва мутахассислари сукукни облигациянинг шариатга мос келувчи бир тури сифатида талқин қилишади. Яқин шарқ ва Жануби-шарқий Осиёда уни қимматли қоғозларнинг алоҳида тури эканлигини таъкидлашади. Сукуклар оддий акция ва облигацияларнинг айрим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган Ислом қимматли қоғози ҳисобланади. Сукук чиқарувчи уни сармоядорларга сотади ва ундан тушган пул маблағларини маълум бир лойиҳани молиялаштиришга йўналтиради. Сармоядор ва сукук чиқарувчи (эмитент) ушбу лойиҳа фойдасидан манфаатдор ҳисобланади ва соф фойда аввалдан белгиланган улушда тақсимланади.

«Сукук» тушунчасига жаҳоннинг турли олимлари ўзларининг таърифларини беришган. Ислом молиясининг машҳур олимларидан шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари сукук ва унинг хусусиятларини ёритиб берувчи қуйидаги мулоҳазаларни билдириб ўтганлар:

- бир инвестор кучи етмайдиган катта лойиҳаларни молиялаштиришнинг қулай усулларида бири;
- инвестицияларни йўналтириш ва ликвидлиги сабаб зарур ҳолда инвестицияни қайтариб олиш учун қулай восита, шу орқали иккиламчи бозор ҳам ривожланади;

- банклар ва ислом молия муассасалари учун ликвидликни бошқаришнинг яхши усули;
- бойликларни тақсимлашнинг адолатли воситаси, чунки у сармоядорларга тадбиркорлик фаолияти фойдасидан тенг улушда манфаат олиш имконини беради.

Таниқли олим Иброҳим Варде сукуклар шариат тамойилларига мувофиқ келувчи инвестиция сертификатлари дейиш мумкин, деб айтган.

Молиявий терминлар ва молия тизими концепциясини ёритиб борувчи Investopedia нашри маълумотларига кўра, сукук - ислом дини қонун-қоидаларига мос келувчи ғарб молиясидаги облигацияларга ўхшаш ислом молия сертификати. Фарқи шуки, облигация қарз муносабатларини ифодаласа, сукук активга эгаликни ифодалайди.